

821
77-41

АБУ ИСО аТ-ТЕРМИЗИИ

АР-РУБОБИЊИ ФИ-Ј-ХАДИС

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предвзятых
выдач _____

--	--

441
441

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ

Абу Исо ат-Термизий

АР-РУБОВИЙЁТ ФИ-Л-ХАДИС

Тўрт ровийлик хадислар

Сканел

-1852-

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Фан» нашриёти давлат корхонаси

Тошкент-2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИҲ ВА О'РТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШИРШИД
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АУДИО-РАДИО-ТЕЛЕВИЗИОН
МАДЕНИЙТ RESURS MARKAZI

УЎК: 821.512.133(092) Термизий
КБК: 83.3(5Ў)

Т41

Таржимон ва нашрга тайёрловчилар:
Ҳамидулла Аминов, Масъудхон Исмоилов, Ботиржон Абдуллаев

Масъуд муҳаррир:
Одилжон Қориев – *т.ф.н.*

Тақризчилар:
Ш.Зиёлов – *т.ф.н.*
Н.Насруллаев – *т.ф.н.*

Мазкур манба буюк муҳаддис бобокалонимиз Абу Исо ат-Термизий (х. 209–279/м. 824–892) қадимга мансуб тўрт ровийлик ҳадислар тўпламидан иборат. Унинг бир нуسخаси Истанбулнинг машхур «Сулаймония» кўлжама-лар жамғармасидан топилиб, кўлжама нуска факсимелеси, арабча матн, илмий-илоҳи таржима ва зарур кўрсаткичлардан иборат ҳолда нашр юзини кўрдн.

«Ар-Рубоъийёт фи-л-ҳадис» асарда иборат масалаларидан ташқари одоб-ахлоқ, умуминсоний қадриятлар, диний-илмий урф-одатлар мавзуси-даги ҳадислар ўрин олган. Асарда кўтарилган масалалар бугунги кунимиз учун ҳам долзарбдир. Уларнинг ёш авлодни қомил инсон этиб тарбиялашда аҳамияти жуда катта.

Китоб ҳадис илмига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжаллан-ган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 16 ноябрдаги 6260-сонли ҳукумаси асосида чоп этилди.

Китоб БА-1-048: «Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий илмий меросини тадқиқ этиш, асарларининг таржима ва нашрини амалга ошириш» лойиҳа-си доирасида нашрга тайёрланган ва ЎзР ФА ШИ Илмий Кенгашининг 2018 йил 31 октябрдаги 9-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия қилинган.

УЎК: 821.512.133(092) Термизий
КБК: 83.3(5Ў)

ISBN 978-9943-19-459-5

© Х. Аминов ва бошқ., 2018

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат қорхонаси, 2018

АБУ ИСО АТ-ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ «ТўРТ РОВИЙЛИК ҲАДИСЛАР» («АР-РУБОЪИЙЁТ ФИ-Л-ҲАДИС») АСАРИ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (х. 209–279/м. 824–892) қадим Термиздан етишиб чиққан, бутун дунёга машхур муҳаддислардан биридир. У зот «Сунан ат-Термизий» номи билан танилган «Жомеъ ас-Сунан» асридан ташқари «Иш-Шамонл ан-набавия» номи рисоласи билан ҳам машхур. Абу Исо ат-Термизийнинг шох асари «Сунан ат-Термизий» бўлиб, унда 3956 (уч минг тўққиз юз эллик олти) та ҳадис мавжуд. «Аш-Шамонл ан-набавия»да эса 408 та ҳадис келтирилган. Бундан ташқари, муҳаддис олимнинг бизгача «ал-Илал ал-қабир» («Ҳадис иллатлари ҳақида катта тўплам») ва «ал-Илал ас-сағир» («Ҳадис иллатлари ҳақида кичик тўплам») номи асарлари етиб келган. Айрим тадқиқотчилар «Китоб ал-илал ал-қабир»ни му-стқил асар десалар. «Китоб ал-илал ас-сағир»ни муаллифнинг «ал-Жомеъ»сининг иловаси – хотима қисми дейдилар.

Абу Исо ат-Термизийнинг ўндан ортиқ асар ёзгани қайд қилинган. Ҳозиргача унинг бошқа асарлари кўлжамалари тадқиқот-чилар томонидан излаб топилиб, нашр қилиниши масаласи дол-зарблигича қолмоқда. Шу сабабли, 2016 йилнинг 11 октябр куши Термиз шаҳрида Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий мажму-асида Ўзбекистон Республикаси Президентни Шавкат Мирзи-ёевнинг маънавий-маърифий соҳада берган тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 октябрдаги 08/1–76-сон билан тасдиқланган 128-баённома-сида белгиланган Абу Исо ат-Термизийнинг илмий меросини ўрнатини, асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва халқимиз-га етказиш вазифаси юклатилган эди. Мазкур вазифалар мақсад

қилинган лойиҳани амалга ошириш асносида «Тасмияту асҳоби Расулиллоҳ» («Расулulloҳ сафдошлари»; бошқа номи «Асмо ас-саҳоба») номили асарни Абу Исо ат-Термизийга нисбат қилиниши аниқланди. У ўрта аср манбаларида ҳам эслатиб ўтилган. Асарнинг бир кўлёзма нусхаси Истанбулнинг «Сулаймония» кутубхонасида сақланади. 2017 йил мазкур манба «Расулulloҳ сафдошлари» номи билан ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржумаси сифатида дунё юзини кўрган эди.

Кўлингиздаги асар алломанинг ҳадис ривоятида муҳаддисдан бошлаб то Пайғамбаримиз алайҳиссаломгача бўлган ровийлар силсиласи тўрт нафар бўлгандаги ҳолатга (у ҳадис илмида рубобийёт деб аталади) бағишлангандир.

Ҳадис илмининг олтин давридан бошлаб ҳадисларни ривоят қилувчилар силсиласига қараб ҳам алоҳида жамлаш одати вуҷудга келди. Ҳадис ривоятида муҳаддисдан бошлаб то Пайғамбаримиз алайҳиссаломгача бўлган ровийлар силсиласига қараб, уч саналди ҳадислар тартиб бериш оммалашди. Шу ҳилда то ўн нафар ровийлик ҳадисларгача жамланди. Улар тўтрисида куйида дўликрок маълумот беришни жоиз топдик:

Муҳаддисдан то Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача учта восита — уч нафар ровий катнашган бўлса, улар **ас-сулобийёт** деб аталади.

Силсиллада уч ровий катнашган ҳадис шарифларга илк бор буюк муҳаддис ва мужтахид олим Аҳмад ибн Ханбал (780–855) эътибор қаратган эди. Унинг ўзи 40 минг ҳадисни жамлаган «ал-Муснад» («Танч») номили йирик ҳажмли асариде жами 332 та ҳадис сулобийёт ҳисобланади. Ушбу сулобийётни ханбалий фақиҳи ва муҳаддиси Муҳаммад ас-Сафориний (1702–1774) 2 жилд қилиб батафсил шарҳлаган.

Имом ал-Бухорийнинг (810–870) бу ҳилдаги «Сулобийёт»лари анча шухрат қозongan бўлиб, уларнинг сони 22 тадан иборат. Имом ад-Доримийнинг (797–869) «Сулобийёт»ларида эса 15 та ҳадис мавжуд. Ибн Мажнинг (824–887) «Сулобийёт»лари 5 тани таққил қилади. Имом Табаронийнинг (873–971) учта «Мўъжам» тўпламларида атига 3 таснининг ровийлар силсиласи

уч саналгандир. Имом ат-Термизийнинг «Сулобийёт»лари эса фондот битта ҳолде. Улар ўзбек тилига таржума қилинган.

Ҳадис китобларининг яна бир тури **ар-рубобийёт** дейилади. У ҳам сулобийёт сингари бўлиб, саналда тўрт нафар ровий катнашган ҳадислар тўпламидан иборат бўлади. Кўлингиздаги Имом ат-Термизий раҳимаҳуллоҳнинг «ар-Рубобийёт фи-л-ҳадис» номили тўплами ҳам китобларининг айнан шу турига мансуб.

Ҳадис китобларининг яна бир тури **ал-ҳумосийёт** дейилади. У ҳам сулобийёт сингари бўлиб, саналда беш нафар ровий катнашган ҳадислар тўпламидан иборат бўлади. Бу борада танкиги муҳаддис Имом ад-Доракутний раҳимаҳуллоҳнинг «Хумосийёт ас-Сунан» («Сунандаги беш ровийлик ҳадислар») асарини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ровийлар силсиласида олти нафар ровий катнашган ҳадислар тўпламидан иборат бўлган тўплам **ас-сулобийёт** дейилади. Бу борада илк тўплам Ибн ал-Хаттоб куняси билан танлиган муҳаддислардан бири, хижрий 525 (милодий 1131) йил вафот этган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мисрий раҳимаҳуллоҳ томонидан тузилган. Кейин эса Абу Тоҳир Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Исфаҳоний раҳимаҳуллоҳнинг (ваф. 576/1181) ҳам «ас-Сулобийёт фи-л-ҳадис» («Олти ровийлик ҳадислар») номили тўплами бўлган. Танкиги муҳаддис Ибн Асокир раҳимаҳуллоҳ ҳам «Китоб ас-Сулобийёт» номили асар биттандир.

Силсиллада етти нафар ровий катнашган ҳадислар бўлса, бу ҳилдаги тўпламлар **ас-субобийёт** дейилади. Бу борада илк тўплам Абу Бакр Муҳаммад ал-Муъофрий ал-Молкиий (ваф. 541/1149) томонидан тузилган. Танкиги муҳаддис Ибн Асокирнинг ҳам «Китоб ас-Субобийёт» («Етти ровийлик ҳадислар китоби») номили асари бўлган.

Машхур ватандошимиз, мотуридия таълимоти мутакаллимларидан бири, «ал-Ақоид ан-насафия» муаллифи, муфассир, муҳаддис ва фақиҳ Абу Хафс ан-Насафий раҳимаҳуллоҳ ҳам «ас-Субобийёт ас-самъийёт» («Эшитилган етти ровийлик ҳадислар») номили тўплам тузилган. Унда 360 та ҳадис жамланган. Унинг бир кўлёзма нусхаси Тошкентда Абу Райхон Беруний номлидаги Шарқшунослик институтути фондиде сақланади.

Бу бордада машхур тўшлам «Ибн ал-Мубаррад» ва «Ибн Абдулхалид» лақаблари билан танилган, Дамашқда яшаган ханбалий факихи Жамолиддин Юсуф ибн ал-Хасан ас-Солихий (840–909/1503–1436) раҳимахуллохта тегишли бўлиб у «ас-Субҳийёт ал-ворида мин Сайид ас-содот» («Сайидлар йўлбошчисидан ворид бўлган етти ровийлик хадислар») деб аталади.

Санад силсиласида сажкиз нафар ровий катнашган хадислар тўплами **ас-сумонийёт** хисобланади. Бу хилдаги илк тўшлам номи «ал-Аходис ал-муътасимийёт ас-сумонийёт» («Муътасимга бағишланган сажкиз ровийлик хадислар») деб аталади. Унда 13 та хадис жамланган. Уни Сибти Ибн ал-Жавзий номи билан танилган Шамсиддин Юсуф ибн ал-Жавзий (581–654/1256–1185) раҳимахуллох тузган эди. Унинг тарихий «Миръот аз-замон» («Замон кўзгуси») номи асари ва Куръони каримга битган тафсири шуҳрат қозонган.

Тўккиз нафар ровий катнашган хадислар тўплами **ат-тусовийёт** дейилган. Бу хилдаги илк тўшлам Ибн ал-Хашшоб қуънаси билан танилган олим Абурух Маждуддин Исо ибн Умар аш-Шофъий (638–711/1311–1240) раҳимахуллохта тегишли. У зот санадда тўккиз ровий катнашган хадислардан арбаын тузган. Шу хилдаги иккинчи асар Миср диёрларининг қозикалони, таникли шофъий мазҳаб, ашъарий эътиқоли олим Иззуддин Ибн Жамоъа (694–767/1366–1294) раҳимахуллох қаламига мансуб. Унинг асари «ат-Тусовийёт фи-л-хадис» («Тўккиз ровийлик хадислар») деб аталган.

Охириги, хар бир хадис санадида ўн нафар ровий катнашган хадислар тўплами **ал-ушорийёт** деб номланган. Бу хилдаги илк тўшлам Абу Абдуллох Муҳаммад ал-Варғамий ат-Тунисий (716–803/1401–1316) раҳимахуллох қаламига мансуб. Унинг асари «Ушорийёт фи-л-хадис» («Ўн ровийлик хадислар») деб аталади. Шундан сўнгра Бурхониддин Иброҳим ибн Али ан-Нўъмоний (828–898/1492–1425) раҳимахуллох қаламига мансуб асар дунёга келган. Унинг асари «Ушорийёт ас-санад фи-л-хадис» (Хадисдаги санадининг ўн ровийлик бўлганлари) деб номланган. Жамолиддин Иброҳим ибн Али ал-Қалқашандий аш-Шофъий (ваф. 960/1553) раҳимахуллох ҳам санадда ўн нафар ровий

катнашган хадислардан иборат «ал-Арбаын» тузган. Хулди шу санада, Имом ас-Суъутий раҳимахуллох ҳам «Жузъ ас-салом» (бу алом қисмати қисм) номи 23 та ўнга ровийлик хадисларини тўплаган. Яна у зотнинг «ал-Кавокиб ас-сайёрот фи-л-аходис ал-ушорийёт» («Ўн ровийлик хадислар сайёраси») номи асари санада Умуман олганда, Имом ас-Суъутий раҳимахуллохнинг «Ушорийёт» тўшамлари бўлган.

«Ар-Рубобийёт фи-л-хадис» асаридаги хар бир хадисда Абу Исо ат-Термизийдан бошлаб Пайғамбаримиз алайҳиссаломга таъдир ровий катнашган. Муаллиф Абу Исо ат-Термизийгача бўлган санад – ровийлар силсиласи эса қўлёзмада икки жойда келтирилган. Яъни булар «ар-Рубобийёт фи-л-хадис» асарининг ровийлари хисобланади. Уларнинг номилари биринчи ва иккинчи жузунинг асосида келтирилган. Бунда ровийлар силсиласи қуйидагича берилган:

Имомуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар ал-Карофий ва Моиниддин бошланган. У асарни икки нафар устозидан ривоят қилган. Улар Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ар-Рақлий аш-Шомий ал-Ханбалий ва Жамол Абдуллох ибн Али ибн Яхё ибн Фазлulloх ал-Яъмурий хисобланади. Бу икки нафар устоз, ўз навбатида, Абулхасан Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Солих ибн Надо ал-Фарзийдан бири биринчи келишни, иккинчиси иккинчи келишни ривоят қилишган. Кейин санад бу тарика давом қилдирилган: Абулхасан Фахруддин Али ибн Аҳмад ибн Абдулвоҳид ибн ал-Буҳорий → Абу Хуфё Умар ибн Муҳаммад ибн Муаммар ибн Табарзад ал-Баъдий → Абулфатх Абдулмалик ибн Абулкасам ибн Абу Саҳл ал-Қаррухий → Абу Омир Махмуд ибн ал-Қасам ал-Азний, Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Абдуссамд ал-Ғуражий ва Абу Наср Абдулазиз ибн Муҳаммад ат-Тарёкий → Абу Муҳаммад Абдулжаббор ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Абу-л-Жаррох ал-Жаррохий ал-Маризий → Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Махбуб ибн Фудайл ал-Махбубий ал-Марвазий → Абу Исо Муҳаммад ибн (Исо ибн) Савра ибн Мусо ат-Термизий.

«Ар-Рубобийёт фи-л-хадис» асари қўлёзмаси охирида бошқа хат тури билан ушбу асарни ўқиган ва тинглаганлар рўйхати